

## Дуо ижобат бўладиган соат

Image not found or type unknown



04:30 / 19.07.2024 14376

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жума кунини зикр қилдилар ва: «Унда бир соат борки, қайси бир мусулмон банда ўша соатда намоз ўқиб туриб, Аллоҳдан бирор нарса сўраган ҳолида тўғри келса, У Зот унга ўшани албатта бергай», - дедилар ва қўллари билан у (соат)нинг озлигини кўрсатдилар».**

*Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.*

*Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Ўша (соат) имом (минбарга) ўтирганидан бошлаб намоз ўқиб бўлингунича», - деганларини эшитдим».**

*Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.*

*Термизийнинг лафзида:*

**«Жумада бир соат бордир. Банда унда Аллоҳдан нимани сўраса, Аллоҳ уни албатта берур», - дедилар. Одамлар: «Эй Аллоҳнинг Расули, у қайси соат?» - дейишди.**

**У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Намозга иқомат айтилганидан бошлаб, уни тугатгунича», - дедилар».**

*Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жума куни икки соатдир. Қайси мусулмон ўша соатлардан бирида Аллоҳдан бирор нарсани сўраган ҳолда топилса, Аллоҳ азза ва жалла унга ўша нарсани берур. Уни асрдан кейинги охирги соатдан изланглар, - дедилар».**

*Абу Довуд ва Насоий ривоят қилишган.*

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қуёш чиққан куннинг энг яхшиси жума кунидир. Одам шу куни яратилган. У шу куни жаннатга киритилган, шу куни жаннатдан туширилган. Унда бир соат борки, қайси бир мусулмон банда ўша соатда намоз ўқиб, Аллоҳдан бирор нарса сўраса, Аллоҳ унга сўраган нарчасини албатта берур», - дедилар».**

**Абу Ҳурайра айтади: «Абдуллоҳ ибн Саломни учратиб, унга ушбу ҳадисни зикр қилдим. У менга: «Мен ўша соатни биламан», - деди.**

**«Менга унинг хабарини бер. У ҳақда менга бахиллик қилма», - дедим.**

**«У (соат) асрдан сўнг қуёш ботгунча», - деди.**

**«Қандай қилиб асрдан кейин бўлиши мумкин? Ахир Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мусулмон банда ўша (соат)ни намоз ўқиган ҳолида топса», - деганлар-ку? Мазкур соатда намоз ўқилмайди-ку?!», - дедим.**

**Абдуллоҳ ибн Салом: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким намозга интизор бўлиб ўтирса, намозда бўлади,**

**демаганларми?» - деди. «Ҳа», - дедим. «У худди шунинг ўзи», - деди».**

Термизий, Абу Довуд ва Насоий ривоят қилишган.

*Икковлари:*

**«У қуёш ботишидан олдинги охириги соатдир», - деганлар.**

***«Жума ҳақидаги оят ва ҳадислар» китобидан***